

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOĞLIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOŠKENT PEDIATRIYA TIBBIET INSTITUTI

Рўйхатга олинди:  
№ ММО  
2022 йил “18” январь

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
2022 йил “27” январьдаги  
дастур тасдиқлаш рўйхати билан  
тасдиқланди

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

**БОЛАЛАР АНЕСТЕЗИОЛОГИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН  
ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
мавзули малака ошириш курси  
ЎҚУВ ДАСТУРИ  
(ўқув хажми – 72 кредит )**



**TOŠKENT –2022**

**Тузувчилар :**

ТошПТИ Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси мудир т.ф.д., профессор Э.А.Сатвалдиева.

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси доцентлари: Юсупов А.С., Маматқулов И.Б., ва ассистентлар: Толипов М.Г., Хайдаров М.Б.

**Такризчи :**

Тошкент тиббиёт академияси Анестезиология ва реаниматология кафедраси мудир., т.ф.н., доцент Н.К.Ибрагимов

Ўқув дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Марказий услубий Кенгашида кўриб чиқилган

« 20 » октябрь 2021 й баённома № 2

Ўқув дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилган

« 03 » ноябрь 2021 й баённома № 3

Кенгаш раиси  Даминов Б.Т.

Ўқув дастури ССВ хузуридаги узлуксиз касбий таълим муассасалараро Кенгашда кўриб чиқилган ва тасдиқланган

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 й баённома № \_\_\_\_\_

Кенгаш котиби \_\_\_\_\_  
имзо Ф.И.Ш.

## 1. Кириш.

Соғлиқни Сақлашни ислоҳ қилишда рақаботбардош болалар анестезиолог мутахассисларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Ўқув дастурининг долзарблиги амалиётга асосланган ва муаммоларга йўналтирилган ёндошув асосида амалий тиббий ёрдамнинг замонавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўқув материаллари ва жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг ва мутахассисликнинг ўзига хос касбий эҳтиёжларига қаратилган. Дастур асосий ва энг янги адабиётлардан, чет эл олимларининг таржима қилинган адабиётларидан, миллий ва жаҳон стандартлари асосида тузилган меъёрий ҳужжатлардан, шу билан бир қаторда, бирламчи тиббий-санитария ёрдами доирасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилди. Булар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президенининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли Қарори;

ЎзР ВМнинг 27.09.2017 йилдаги № 769-сонли “Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

ЎзР ВМнинг 13.09.2017 йилдаги № 718-сонли “БТСЁ муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори;

ЎзР ССВнинг 25.12.2017 йилдаги “ЎзР ССВ тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 777-сонли буйруғи;

ЎзР ССВнинг 08.09.2017 йилдаги “Тошкент шаҳар кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар фаолиятини ташкил этиш ҳақида”ги 517-сонли буйруғи;

Мазкур малакани ошириш цикли педиатрик анестезиология амалиётларида турли хил ёндош касалликлари бор ҳолатлар этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностикаси ва давосини ўрганади. Тақдим этилаётган мавзу оғриқсизлантириш фаннинг таркибий қисми бўлиб, замонавий қарашлар бўйича оператив муолажа билан боғлиқ бўлган ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятини ўрганиш ва бошқаришни таъминлашга йўналтирилган.

**Мақсад:** даволаш амалиётига керакли ҳажмдаги билимга, маҳоратга ва амалий кўникмага эга бўлган замонавий, юқори сифатли малакали болалар анестезиологи мутахассисларини тайёрлашдир.

## **1.2. Вазифалар:**

1. Болаларда оғриқ ҳақида тушунча, оғриқ сезиш турлари бўйича билимларни ўзлаштириш;
2. Педиатрияда анестезия амалиётида операция вақтида оғриқсизлантириш усулларини тадбиқ эта олишни ўрганиш;
3. Замонавий анестезия усулларини танлаш;
4. Анестезияда ишлатиладиган замонавий препаратларни қўллаш;
5. Операция олди тайёргарлигини ўтказишда замонавий лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини таҳлил қилиш малакасига эга бўлиш;
6. Операция вақтида анестезия самарадорлигини баҳолаш;
7. Болалар анестезиологиясида регионар анестезия усулларига кўрсатмалар, кутилиши мумкин бўлган асоратлар;
8. Абдоминал жаррохлик муолажаларида комбинацияли эпидурал анестезия усулини қўллаш;
9. Болаларда урологик жаррохлик муолажаларида эпидурал ва спинал анестезия усулини қўллаш;
10. Болалар ортопедик жаррохлик муолажаларида ўтказувчи анестезия усулини қўллаш;
11. Операция турига қараб турли хил оғриқсизлантириш усулларини ўтказиш каби кўникмаларни ўзлаштириш.

**1.3. Таълим олувчилар контингенти:** Стационар шараоитида ишлаётган анестезиологлар ҳамда интенсив терапия бўлимида фаолият юритаётган реаниматолог шифокорлар.

## **1.4. Ўқув дастурини ўзлаштири олиш учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси.**

Тингловчилар анестезияни ўтказиш усулларини билиши, беморларни операция ва анестезияга тайёрлашни билиши, комбинацияли анестезия турларининг клиник кечишини ва оғриқсизлантиришни замонавий технологиялар ёрдамида самарадорлигини баҳолашни билишлари лозим.

## **1.5. Дастурининг долзарблиги**

Дастур анестезиолог-реаниматолог мутахассисларни замон талабдарига мос равишда тайёрлашга хизмат килади. Ўқув дастурида анестезиолог шифокорларни шу кун талаби

даражасида тайёрлаш учун катта аҳамият берилган. Анестезиология ва реаниматология фани интенсив терапия билан битта клиник фаннинг бир-бири билан боғлиқ бўлган бўлиmdir. Анестезиология огриксизлантириш тугрисида фан. Анестезия - замонавий карашлар бўйича оператив муолажа билан боғлиқ бўлган ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятини ўрганиш ва бошқаришни таъминлашга йўналтирилган. Болаларда режали анестезия асосан тугма нуксонларни коррекциялаш учун ўтказиладиган оператив муолажалар вақтида қўлланилади.

Шу тугфайли ўқув дастурида шифокорларни шу кун талаби даражасида анестезия вақтида иккиламчи ёки ҳамроҳ касаллиги бор беморларни тайёрлаш учун катта аҳамият берилган. Айниқса комбинацияли анестезия усулларидан комбинацияли мультимодал анестезия, регионар анестезия усулларини қўллаб, анестезия самарадорлигини ошириш муҳим.

Шундай қилиб, юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб ва ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда, педиатрияда анестезия болаларда ўтказиладиган операцияларда огриксизлантириш усулларини танлаш, самарали ўтказиш, анестезия босқичлари, компонентларини билиш, анестезия таснифи, клиник кечиши, хавф-хатари, асоратларини билишни энг долзарб ечилмаган муаммолардан биридир.

- 1.6. Дастур ҳажми.** Мазкур дастур давомийлиги 2 ҳафта бўлиб, 72 кредит-соатдан иборат.
- 1.7. Ўқиш шакли.** Мазкур дастур ишдан тўлиқ ажралган ҳолда ўтказилади.
- 1.8. Машғулотларни ўтиш тартиби.** Машғулотлар соат 8.30 дан 14.30 гача бўлиб ўтади. Кунига 6 кредит, 45 дақиқалик тушлик танаффус ва хар 2 академик соатли (80 дақиқа) машғулотдан сўнг 10 дақиқалик танаффус.
- 1.9. Малака оширишдан сўнг берилладиган ҳужжат:**

Цикл якунида тингловчиларга якуний имтиҳонни муваффақиятли топширгандан сўнг, унга тегишли намунадаги сертификат топширилади.

## **2. Режалаштириладиган таълим натижалари**

### **2.1 Цикл якунида тингловчилар кўйдаги компетенцияларга эга бўлишади:**

#### **Умумий компетенциялар:**

Болаларда огриксизлантириш вақтида қўлланиладиган жиҳозларнинг ишлар принциплари ва хавф омилларининг анестезияга таъсири, огриклантиришни замонавий назариялари, таснифлари, анестезия асоратлар олдини олиш диагностикасининг замонавий усуллари, турли наркоз босқичларда адекват ўтказиш схемалари, уларнинг

профилактикаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш органларининг анестезиологик хизматига тегишли буйруқ ва норматив ҳужжатлар тўғрисида кўникмаларига эга бўлиш.

### **Касбий компетенциялар:**

1. Болалар аппаратурасини қўллаб, нафас йўллари ўтказиш қобилияти, интубация ва ҳисоб-китоб дозалашни (ёш ва вазн бўйича) таъминлаган ҳолда, болаларда операциядан кейинги даврда оғриқсизлантиришни ўтказиш;
2. Умумий ёки маҳаллий анестезия остида тўғри ларингоскопия усули ёрдамида, кўр-кўрона оғиз ва бурун йўллари орқали трахеяни интубациялаш;
3. Маҳаллий регионар анестезия усулларидадан ўтказувчи, эпидурал, спинал анестезияни ўтказиш;
4. Эпидурал бўшлиқни катетерлаш техникаси;
5. Спинал анестезия техникаси;
6. Ўтказувчи анестезия усули техникаси;
7. Наркоз вақтида ЎСВ, ҳаёт учун муҳим бўлган функциялар мониторинги учун бўлган аппаратуралардан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш;
8. Анестезия, ўпка сунъий нафаси ва беморларни кузатиш учун мўлжалланган аппаратлардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
9. Наркоз аппарати ниқоби билан ўпкаларнинг мажбурий вентилляциясини амалга ошириш, миорелаксантларни юбориш фонида трахеяни интубациялаш, ўпкаларнинг сунъий вентилляциясини қўлда ва респираторлар ёрдамида ўтказиш;

### **3. Дастур мазмуни:**

**“Болаларда анестезияни хусусиятлари” мавзули малака ошириш дастури бўйича**

#### **ЎҚУВ РЕЖА**

№	Модуль, бўлим ва мавзулар номи	Кредит	Аудитория машғулоти				Атте- ста- ция
			Мавзуа	Амалий йўналишдаги машғулотлар			
				Амалий машғулот	Лаборатория иши	Семинар	
1	Оғриқсизлантириш мақсади, вазифалари, Анестезиологнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Наркоз аппаратлар, нафас	6	2	4			

	контурлари						
2	Операцион анестезиологик хавф даражалари. Анестезия турлари ва даврлари.	6	2	4			
3	Умумий анестезия компонентлари	6	2	4			
4	Болаларда кичик жароҳлик муолажаларида умумий анестезия . Вена ичи тотал анестезияси, аппарат никобли наркоз, вена ичи анестезияси.	6	2	4			
5	Болаларда ўрта жароҳатли операцияларда умумий анестезия. Болалар оёқ қўлларидаги операцияларида ўтказувчи анестезия усули.	6	2	4			
6	Комбинацияли эндотрехеал наркоз. Вена ичи тотал анестезияси.	6	2	4			
7	Болаларда кенг ва катта жароҳатли операцияларда умумий анестезия. Регионал анестезия усуллари (эпидурал ва спинал анестезия).	6	2	4			
8	Болаларда кичик ва паст газлар оқими бўйича ингаляцион анестезия.	6	2	4			
9	Комбинацияли мультимодал анестезия	6	2	4			
10	Интраоперацион инфузион терапия						
11	Интраоперацион мониторинг.	6	2	4			

12	Анестезиологик асоратлар ва ўлим ҳолатлари. Асоратлар профилактикаси.	6	2	2			
	<b>Жами:</b>	<b>72</b>	<b>24</b>	<b>48</b>			<b>2</b>

### Машгулотлар мазмуни:

1. Болалар анестезиологиясининг умумий мақсади, вазифалари. Болаларнинг ҳаётий муҳим аъзолари фаолиятини аниқлаш. Операциядан олдин функционал текширув усуллари. Беморни наркозга тайёрлаш ва операциянинг тури бўйича анестезия усулини танлаш.
2. Умумий анестезия босқичлари ва компонентлари. Операцион-анестезиологик хавф хатар даражалари. Боланинг умумий ҳолати билан боғлиқ асоратлар. Анестетик, наркотик аналгетик, мушак релаксантларининг асоратлари. Шошилич ёрдам.
3. Анестезиологик қўлланмалар хусусиятлари: болалар травматология ва ортопедиясида, нейрохирургиясида. Премедикация. Беморни наркозга тайёрлаш ва операциянинг тури бўйича анестезия усулини танлаш.
4. Шошилич жарроҳликда анестезиологик қўлланма: Премедикация. Беморни наркозга тайёрлаш ва операциянинг тури бўйича анестезия усулини танлаш.
5. Режали жарроҳликда анестезиологик қўлланма: Премедикация. Беморни наркозга тайёрлаш ва операциянинг тури бўйича анестезия усулини танлаш.
6. Болалар офтальмологиясида анестезиологик қўлланма: Премедикация. Беморни наркозга тайёрлаш ва операциянинг тури бўйича анестезия усулини танлаш. Яқуний аттестация.

### Симуляцион курс (тиббий тренинг) мазмуни

№	Симуляция учун махсус анжомлар	ўтказиш жойи	Шаклландиган касбий кўникмалар
1.	Ларингоскоп, интубацион найлар ва ларингиал маскаларни ўлчовларини аниқлаш.	Операцион-анестезиологик бўлим ва интенсив терапия бўлими	Асоратни олдини олиш
2.	Кардиомонитор (К/Б, сатурация кислород, капнометрия,	Операцион-анестезиологик бўлим	Турли хил режимдаги амалиётни қамраб

	термодатчик) қўллаш	ва интенсив терапия бўлими	олиш
3.	Операция олди кўруви ва анестезиологик картани тўлдириш.	Операцион-анестезиологик бўлим ва интенсив терапия бўлими	Хукукий-нормативва меъёрий хужжатларни тўлдириш
4.	Томир ичи ангиокатетр қўйиш техникаси ва ўлчов бирлиги	Операцион-анестезиологик бўлим ва интенсив терапия бўлими	Болалар анатома-физиологик хусусияти асосида билиш
5.	Танометр ЭКГ, фонендоскоп	Интенсив терапия бўлими	Юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш

**Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:**

Болаларда анестезияни ўтказишда асосий хусусиятлари бу - амалий кўникмаларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантиришга асосланган назарий кўникмаларни билиши. Болаларда оғриқ хақида тушунча, оғриқ сезиш турлари бўйича билимларни ўзлаштириш. Педиатрияда анестезия амалиётида операция вақтида оғриқсизлантириш усулларини тадбиқ эта олишни ўрганиш. Анестезия усулларини танлаш. Оғриқсизлантиришда ишлатиладиган замонавий препаратларни қўллаш. Анестезиологик хавф – хатар гуруҳини танлаш, экстубацияга ва интубацияга кўрсатма.

**Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:**

1. Наркоз аппарати контур ва системаларини йиғиш;
2. Операциядан кейинги даврда узайтирилган ўпкалар вентиляцияси;
3. Операциядан кейинги даврда оғриқсизлантириш усуллари;
4. Анестезияда премедикацияни қўллаш;
5. Болаларда операциядан кейинги даврда дорилар дозасини ҳисоблаб оғриқсизлантиришни таъминлаш;
6. Операциядан кейинги даврда асоратларнинг диагностикаси ва даволаш;
7. Бир компонентли анестезия ўтказиш;
8. Комбинацияли анестезия турларини ўтказиш;
9. Комбинацияли вена ичи анестезиясини;
10. Комбинацияли эндотрахеал наркоз турини;
11. Ингаляцион анестезия ўтказиш;
12. Маҳаллий оғриқсизлантиришни амалга ошириш;
13. Эпидурал анестезия ўтказиш усулларини билиш;

14. Спинал анестезия ўтказиш усуллари билиш;
15. Ўтказувчи блокадани бажариш усуллари билиш;
16. Мультимодал анестезия ўтказиш усули;
17. Жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган бемор болаларнинг ҳолатини клиник, биокимёвий ва функционал текширишлар асосида баҳолаш;
18. Жарроҳлик пайтида юз берган қон йўқотишларининг диагностикаси ва даволаш;
19. Анестезия вақтида қўлланиладиган замонавий технологиялар.

#### **4. ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ**

**4.1. Ўқув база:** Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, 1-блок, операцион-анестезиология ва интенсив терапия бўлимлари. 2-ўқув биноси .

#### **4.2. Дастур бўйича аудитория машғулотларини ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати:**

Аудитория машғулотларида тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатидан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш баённомаларида акс эттирилади. Компьютер, проектор, мавзули видеофильмлар, тонометр, фонендоскоп ЭКГ аппарат, муляжлар, фантомлар. Амалий машғулотлар учун схемалар, жадваллар, 1 ёшдан - 17 ёшгача бўлган болаларда оғриқсизлантириш карталари мавжуд. Даволаш стандартлари, илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар, назорат саволларининг электрон кўриниши, вазиятли масалалар.

#### **4.3. Адабиётлар**

1. «Анестезиология, реаниматология и интенсивная терапия у детей» Москва 2016 йил.
2. Сатвалдиева Э.А., Мухитдингова Х.Н. Современная анестезиология ИПТД Узбекистан 2013.
3. «Клиническая анестезиология» Книга первая. Пер. под редакцией А.А.Бунатяна. – 2003 йил.
4. «Клиническая анестезиология» Книга вторая Издательство Бином Невский Диалект Москва Санкт-Петербург 2003
5. «Алгоритмы действий при критических состояниях в анестезиологии» 2018 йил.
6. «Атлас по анестезиологии» Перевод с немецкого 2013 йил.
7. «Анестезия в педиатрии» Санкт-Петербург 2013 йил.

#### 4.3.1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати рўйхати

- 1.ЎзР “Таълим тўғрисидаги қонуни”;
- 2.Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга қўйиладиган давлат талаблари;
- 3.ЎзР Президентининг 5.05.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сон қарори;
- 4.ЎзР Президентининг 7.12.2018 йилдаги № 5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;
- 5.ЎзР Президентининг 6.05.2019 йилдаги № 4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- 6.ЎзР Президентининг “2017-2021-йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 07.02.2017 йилдаги Фармони;
- 7.ЎзР Президентининг “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 06.09.2019 йилдаги Фармони;
- 8.ЎзР Президентининг “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги 09.11.2019 йилдаги Қарори;
- 9.ЎзР Президентининг 7.12.2018 йилдаги № 5590-сонли “ЎзР соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;
- 10.ЎзР Президентининг 6.05.2019 йилдаги № 4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- 11.ЎзР ВМнинг 27.09.2017 йилдаги № 769-сонли “Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- 12.ЎзР ВМнинг 13.09.2017 йилдаги №718-сонли “БТСЁ муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори;
- 13.ЎзР ССВнинг 25.12.2017 йилдаги №777-сонли “ЎзР ССВ тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” буйруғи;

14.ЎзР ССВнинг 08.09.2017 йилдаги №517-сонли “Тошкент шаҳар кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар фаолиятини ташкил этиш ҳақида” буйруғи;

15.ЎзР ССВнинг 18.09.2017 йилдаги №535-сонли “БТСЁ муассасаларида профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги учун масъуллигини ошириш чоралари тўрисида” буйруғи ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

#### **4.3.2. Дастурда кўзда тутилган модуллар бўйича тавсия қилинадиган ўқув-услубий ҳужжатлар ва материаллар рўйхати (ўқув қўлланма, монография, миллий қўлланма, стандартлар, клиник протоколлар, электрон дастурлар ва ҳ.к.):**

1. Интенсив терапия асослари Агзамходжаев Т.С., Юсупов А.С, ўқув қўлланма, Тошкент, 2014
2. Комбинирланган мультимодал анестезияни абдоминал касалларда қўллаш усули. Агзамходжаев Т.С., Файзиев О.Я., Юсупов А.С., Услубий қўлланма Ташкент, 2019.
3. «Клиническая анестезия» Перевод с английского А.Е.Любовой и проф. С.В.Свиридова 2014 йил.
4. «Критические ситуации в анестезиологии» Москва 2000 йил. Габа Дэвид М., Кевин Дж.Фиш, Стивен К.Хауард
5. Руководство по неотложным состояниям у детей Москва 2012 йил Курек В.В. Кулагина А.Е.

#### **4.3.3.Интернет-ресурслар:**

<http://book.med-lib.ru/http://rmj.ruwww.doctor.ruwww.citomed.ru/www.narcoz.ruwww.respiration.ru/possiblehelp/res/www.rambler/medical>

[www.infoart.ru/med/index.htm](http://www.infoart.ru/med/index.htm)– "Доктор", журнал для практикующих врачей

[www.mediasphera.aha.ru/surgery/surg-mn.htm](http://www.mediasphera.aha.ru/surgery/surg-mn.htm) – Хирургия. Журнал им. Н.И.Пирогова

[www.mediasphera.aha.ru/pediatr/ped-mn.htm](http://www.mediasphera.aha.ru/pediatr/ped-mn.htm) –Российский вестник перинатологии и педиатрии

[Medical Matrix: Guide to Internet Clinical Medicine Resources](#)

[Медицинская матрица](#) (указатель мед. ресурсов Интернета, руссифицированный вариант)

[U.S.National Library of Medicine](#) (Американская медицинская библиотека)

[MedExplorer](#) - search engine for medicine related information (поиск медицинской информации)

[WebDoctor](#) - the Internet navigator for physicians (поиск медицинской информации)

[Free MedLine access](#) (биомедицинская база данных)

## **5.ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ**

1.1. Семинарнинг биринчи ва охириги кунларида дастлабки ва якуний тест синовлари ўтказилади. Якуний тест натижалари ижобий бўлган холда (70% дан кўпроқ тўғри жавоб) соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 16 июлдаги 210-сонли “Тиббиёт кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида сертификат ва маълумотномаларни тайёрлаш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ катнашчиларга намунадаги сертификат топширилади.